



**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI XORAZM VILOYATI**  
**BOG'OT TUMANI HOKIMINING**  
**FARMOYISHI**

Bog'ot shaharchasi, O'zbekiston ko'chasi, 18-uy

2020 -yil 16 - декабр

234 ф -son

Bog'ot shaharchasi

1. СЭО ва ЖСХ Хоразм вилояти бошқармаси Боғот тумани бўлимининг 2020 йил 16 декабрдаги №1/118-2 сонли сўровномасини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси “Бюджет кодекси”нинг 73-моддасига асосан туман маҳаллий бюджетининг захира жамғармаси ҳисобидан туман ҳокимининг 2020 йил 29 июлдаги 147ф сонли фармойишига асосан ажратилган маблағлардан иқтисод қилиниши ҳамда ҳозирда коронавирус билан касалланиш анча камайганлигини инобатга олиб 14 000 минг сўм маблағни СЭО ва ЖСХ Хоразм вилояти бошқармаси Боғот тумани бўлими моддий техника базасини мустаҳкамлаш харажатлари учун йўналтиришга рухсат берилсин.

2. Туман Молия бўлими (Ж.Рўзметов) туман маҳаллий бюджетига тегишли ўзгартиришлар киритсин.

3. Туман Ғазначилик бўлини маси (Ш.Қурбонов) ажратилган маблағни белгиланган тартибда ўтказилишини таъминласин.

4. СЭО ва ЖСХ Хоразм вилояти бошқармаси Боғот тумани бўлими (А.Бобоев) ажратилган маблағлардан самарали ва мақсадли фойдаланишни таъминласин.

5. Ушбу фармойиш ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари С.Қурбонов зиммасига юклансин.

Боғот туман ҳокими

О.Холбоев